

Индонезия президенти дунёнинг энг нуфузли мусулмонлари рейтингидан жой олди



13:00 / 02.11.2021 1654

Индонезия президенти Жоко Видодо дунёдаги 50 та энг нуфузли ислом арбоблари қаторига кирди. Бу ҳақда CNN Indonesia манбаси хабар берди.

Иордания Қироллик стратегик тадқиқотлар маркази (RISSC) маълумотларига кўра, Индонезия президенти рўйхатда 13 ўринни эгаллаган.

«Индонезия дунёдаги учинчи йирик демократик давлатдир», дейди Президент Жоко Видодо баёнотида. — Шунингдек, биз дунёдаги энг кўп мусулмон аҳолига эгамиз. Бу демократия ва ислом ўртасида зиддият йўқлигини кўрсатади. Терроризм ҳам ҳеч қандай дин билан боғлиқ эмас.

Иордания Қироллик стратегик тадқиқотлар маркази (RISSC) ҳар йили дунёдаги энг нуфузли 500 мусулмон арбобни танлаб олади. Рўйхатда Туркия президенти Ражаб Тоййиб Эрдўфон, Саудия Арабистони қироли Салмон ибн Абдул Азиз Ал Сауд иккинчи, Иордания қироли Абдуллоҳ II ибн ал Ҳусайн, Эрон етакчиси Оятулло Ҳумайний, Марокаш қироли Муҳаммад VI, Покистон бош вазири Имрон Хон, исломшунос олим Муҳаммад Тақий Усманий, россиялик спортчи Ҳабиб Нурмагомедов, «Ливерпуль» футбол клуби ва Миср терма жамоаси аъзоси Муҳаммад Салоҳ, «Реал» жамоаси собиқ бош мураббийси Зинедин Зидан ҳам киритилган.

Шунингдек, Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг собиқ муфтийси, марҳум Усмонхон Алимов роҳимаҳуллоҳ ҳам дунёнинг энг нуфузли мусулмонлари рейтингидан жой олган.